



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2015-yil, 6-avgust. Payshanba 91 (31.994)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

■ 6 август куни Тошкент шаҳрида
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенатининг учинчи ялпи мажлиси очилади.

Ялпи мажлис арафасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда бўлгуси ялпи мажлисни ўтказишга тайёргарлик тўғрисида ишчи гуруҳ раҳбарининг ахбороти тингланди.

Сенат кўмиталарининг раислари ўтказилган кўмида мажлислари тўғрисида ҳамда учинчи ялпи мажлис муҳокамасига киритилган қонунлар бўйича хулосаларнинг ҳамда бошқа масалалар бўйича қарор лойиҳаларининг тайёриги ҳақида маълумот берди, ялпи мажлис ишини ташкил этиш бўйича Ўзгаро фикр алмашди.

Кенгаш мажлисида қайд этилганидек, Сенатнинг бўлгуси ялпи мажлисида 11 та масала, шу жумладан, 6 та қонун кўриб чиқиши кўтилмоқда.

Кенгаш аъзолари қайд этганларидек, мажлис кун тартибига ижтимоий-сиёсий, социал, иқтисодий, бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида аҳамияти катта бўлган қонун ҳужжатлари киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтириш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар кириштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг кўриб чиқиши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бўлажак ялпи мажлисининг муҳим масалаларидан бири бўлади.

Мажлис давомида таъкидлаб ўтилганидек, мазкур қонуннинг қабул қилиниши хусусий мулкнинг ишончли ҳимоя қилиниши янада кучайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш, тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёزلар ва преференциялар сўзсиз қўлланилиши таъминланишига, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига

тўсиқлик қилганлик ва қонунга хилоф равишда аралашганлик учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат органларининг ҳамда бошқа давлат органлари мансабдор шахслари жавобгарлигининг муқаррарлиги таъминланишига олиб келади.

Кенгаш аъзоларининг фикрича, кун тартибига киритилган «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни мамлакатимизда ишчанлик муҳити оширилишини таъминловчи, жамоа бўлиб инвестиция қилиш самарали тизими яратилиб, аҳоли ҳамда ҳўхалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлар учун вақтинча бўш турган маблағларни турли устувор инвестиция лойиҳаларига киритиш имконини берувчи ташкилий-ҳуқуқий механизмлар яратилишига ёрдам беради.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига киритилган «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги (янги таҳрири), шунингдек, «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг долзарблиги ҳамда муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтилди. Кўрсатиб ўтилган қонунлар жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг, аҳолини, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия машғулотларига оммавий жалб этишнинг, бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш самарадорлигини оширишнинг, шунингдек, санитария, касалликларни олдини олиш, аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб қолади.

Бундан ташқари, Сенат аъзолари конституциявий ваколатларига мувофиқ ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тинглайдилар.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНЯТЛАРИ



Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги байрами арафасида Андижон шаҳрида «Samavto LE-60» русумли янги автобуслар қатнови йўлга қўйилди. Самарқандда ишлаб чиқарилган бу автобусларда 56 нафаргача йўловчи ташиш имконияти яратилган бўлиб, унда ёш болали оналар ва ногиронлар учун ҳам қўлайликлар мавжуд.

Янги автобуслар қатнови йўлга қўйилди

«Ўзавтодарэнтранс» агентлиги вилоят бўлими мутасаддиларининг билдиришича, йўловчиларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган «Асл ҳамкор ривож» ва «Голден Машбу транс» масъулияти чекланган жамиятлари аҳолига замонавий талаблар даражасида транспорт хизмати кўрсатиш мақсадида

да лизинг асосида автобуслар харид қилган. Бунинг учун тижорат банклари билан шартномалар тузилган.

Янги автобусларнинг қатновга қўйилиши муносабати билан уюштирилган тадбирда йил охирига қадар бундай замонавий автобуслар сонини юзга етказиш режалаштирилгани айтилди.

Оқсоқоллар, меҳнат фахрийлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари янги автобусларнинг биринчи йўловчилари бўлишди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Бир марталик вақтинча иш билан банд бўлган шахслар меҳнат фаолиятининг қонуний асосларини такомиллаштириш, уларнинг пенсия таъминоти ва ижтимоий суғуртаси билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш лозим.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастуридан.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИ: ТАЖРИБА, ТАҲЛИЛ, МУЛОҲАЗА

Халқимизнинг хоҳиш-иродаси рўёбга чиқиши

кўп жиҳатдан сиёсий партияларнинг фаоллиги, ташаббускорлиги ва амалий ишларига ҳам боғлиқ

■ Мамлакатимизда демократик давлат қуриш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосларини яратиш йўлида амалга оширилган кенг қўламли ишлар аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалишига, фуқароларнинг сиёсий оғи ва маданияти ошишига, асосийси, уларнинг давлат бошқарувида иштироки кучайишига замин яратди.



Табиийки, бундай жараёнда сиёсий партияларга, уларнинг депутатлик бирлашмаларига талаб янада ошади. Ҳар бир партия, унинг ташкилотлари, депутатлар фаол бўлиши, халқимиз хоҳиш-иродасини юзга чиқариш учун амалий ташаббусларни илгари сурмоғи тақозо этилади. Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши фаолиятида бу масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сайловчи савол беради

Гавҳар ҲАСАНОВА, Андижон вилоятидан: — Телевидение ва матбуотда берилган маълумотлар орқали депутатлар қандай ваколатларга эга экани ва уларнинг бурчлари ҳақида яхши биламиз. Менда бир савол туғилди. Депутатларнинг ҳуқуқлари, шаъни ва кадр-қиммати муҳофаза қилишнинг қонуний асослари қандай? Шу ҳақда тушунча олишни истардим.



Аваз ЎРИНБОЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Албатта, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги қонунда бу бўйича алоҳида модда бор. Унга мувофиқ, ҳар бир депутатга ўз ваколатларини монеликсиз ҳамда самарали амалга ошириши учун шарт-шароит кафолат-

ланади, шу билан бирга, унинг ҳуқуқлари, шаъни ва кадр-қиммати қонун билан муҳофаза қилинади.

Депутатнинг шаъни ва кадр-қиммати таъжовуз қилган шахслар қонунга мувофиқ маъмурий, жиноий ёки ўзга тарзда жавобгар ҳисобланади. Депутат ҳақоратланса, унга нисбатан тўхмат қилинса, бу ҳаракат қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади. Депутатлик ваколатларини амалга оширишга тўсиқлик қилувчи ҳаракатларга йўл қўйилмайди.

Депутат олдида ўз вазифаларини бажармайдиган, унинг ишига тўсиқлик қиладиган, бида туриб унга ёлгон ахборот берадиган, депутат фаолиятининг кафолатларини бузди-ган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлишади.

■ Куни кеча Болгариянинг Влаговград шаҳридан хушхабар келди. Бу ерда талабалар ўртасида математика фани бўйича ўтказилган 22-Халқаро олимпиадада Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабалари Ҳақимбой ЭҒАМБЕРДИЕВ олтин, Беҳзод ҚУРБОНБОЕВ кумуш медални қўлга киритди!

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИГА ДУНЁ ҲАВАС ҚИЛМОҚДА



Мустақиллик ёш авлод ҳаётига буюк келажак нафасини, эзгу умид ва ораулар ижобатини олиб келди. Янги аср авлодига аж-доқлар армонининг ушалиши билан бирга бекиёс имкониятлар калити, юксак марралар сари дадил қадам ташлаш бахти ҳам насиб этди.

Бугун мамлакатимиз ёшларига бутун дунё ҳавас қилмоқда! Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети механика-математика факультети талабалари Ҳақимбой ЭҒАМБЕРДИЕВ ва Беҳзод Қурбонбоев ана шундай ёшлардан.

...2015 йил 2 август. Болгариянинг Влаговград шаҳрида талабалар ўртасида бир ҳафта давом этган математика фани бўйича 22-Халқаро олимпиада якуний натижалари эълон қилинди. Танлов ҳақамлар ҳайъати аъзоси голиблар қаторида Ҳақимбой ЭҒАМБЕРДИЕВ, Беҳзод Қурбонбоев фамилиясини ўқиганда, қарсағу олқишлар узоқ тинмади. Боиси...

Эллиқдан ортиқ давлатдан уч юз ўттиз иқтидорли талаба иштирок этган олимпиадада камдан-кам учрайдиган воқеа рўй берди: жаҳоннинг нуфузли университетларидан тақлиф этилган танлов ҳақамлар ҳайъатига ҳали йигирма ёшга ҳам тўлмаган ўзбек фарзанди математика фанининг асосчилари асли кимлар эканини яна бир бор эслатиб қўйди.

— Ҳар кунги натижаларни таҳлил қилиб бордик, — дейди Ўзбекистон Миллий университети жамоаси сардори, университетнинг математик анализ кафедраси ассистенти Карим Раҳимов. — Босқичма-босқич йўл қўётган хатоларни бошқа тақдорлашмасликка, бор салоҳиятимиздан тўғри фойдаланишга ҳаракат қилдик. Ҳаммаси кўнгилдагидек кетаётганди. Аммо Ҳақимбойнинг комбинаторикага оид масаласига ҳақамлар томонидан ноль балл қўйилгани бизни ажаблантирди. Ҳақимбойдан бунинг сабабини сўрасам, барчасини тўғри ечганман, дейди. Қўзлариди унинг ўзиға бўлган ишончи ақо этиб турарди. Сўнг апелляцияга бердик. Оқибатда масала тўғри ечилгани, ечимга шу вақтга қадар фанда қўлланилмаган янгича усулда ёндашилгани исботланди.

Шундай қилиб олимпиадада Ҳақимбой ЭҒАМБЕРДИЕВ олтин, Беҳзод Қурбонбоев кумуш медални қўлга киритиб, дунё аҳлига ўзбек ёшларининг ҳеч кимдан кам эмаслигини яна бир бор исботлади.

► Давоми 4-бетда.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисида қандай қонунлар кўриб чиқилади?



■ Ўзбекистон ХДПнинг ёш фаоллари ҳақида

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИ: ТАЖРИБА, ТАҲЛИЛ, МУЛОҲАЗА



Халқимизнинг хоҳиш-иродаси рўёбга чиқиши

кўп жиҳатдан сиёсий партияларнинг фаоллиги, ташаббускорлиги ва амалий ишларига ҳам боғлиқ



Маҳмуджон МАҲКАМОВ,
ЎзХДП Фарғона вилояти
кенгаши раиси:

— Шу кунларда республикамизнинг барча ҳудудларида мамлакатимиз Мустақиллигининг 24 йиллигига қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» қарори асосида истиқлол йилларида кўлга киритилган улкан ютуқларимизнинг тўб муҳияти ва аҳамиятини кенг очиб беришга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Айтиш керакки, мустақиллик йилларида кўппартиявийлик тизими ривожланмоқда, сиёсий партиялар, фуқаролик институтларининг ҳам фаоллиги ошмоқда. Бу демократик ислохотлар муваффақиятини таъминловчи муҳим асослардан ҳисобланади. Бугун вакиллик ҳокимияти — парламент, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ҳуқуқ ва ваколатлари жуда кенг. Юртимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларида тақлифлар бериш, ташаббуслар билан чиқиш, айтиш пайтда ўз позициямизни қатъий туриб ҳимоя қилиш бўйича янги-янги имкониятлар очилмоқда.



Рустамжон ДАВИДОВ,
халқ депутатлари
Қува туман
Кенгашидаги ЎзХДП
гурухи раҳбари:

— Худудларда электроташаббускорларнинг ҳимоя қилишда сиёсий партиянинг асосий кучи халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гурuhlарида. Кейинги йилларда маҳаллий вакиллик ҳокимиятидаги партия гурuhlарининг ҳуқуқ ва ваколатлари изчил кенгайиб борапти. Бугун ишимиз қай даражада самарали бўлиши ушбу ваколат ва имкониятлардан қандай фойдаланишимизга боғлиқ, албатта.

Депутат тақлифи:

Шу ўринда бир масала бўйича мулоҳазаларимни бирдирмоқчиман. Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, партия гурuhlлари бирор масалани ўрганиб, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши сессиялари кун тартибига олиб чиқади, муайян қарор қабул қилинади ва аксарият ҳолларда жараён шу ерда тугайди. Сессияда қабул қилинган қарор қандай ижро этиляпти, тегишли идоралар зиммасига юклатилган вазифалар бажариляптими, қарор ижроси тегишли соҳа ривож, одамлар ҳаётига таъсир кўрсатяптими, муаммолар ҳал қилинганлиги каби саволларга ҳар доим ҳам жавоб изланмайди. Шу боис масалаларни ўрганиш ва тақдим этиш билан чекланмасдан, уларнинг ечими учун охиригача курашимиз, ташкилот ва идораларнинг масъулиятини оширишимиз зарур, деб ўйлайман.

нинг фаоллигига боғлиқ. Шу йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон ХДП гурuhlари ташаббуси билан вилоят Кенгаши доимий комиссиясида 3, шаҳар, туман Кенгашлари доимий комиссияларида 23 масала муҳомадага қўйилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Долзарб деб топилган 14 масала халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессиясида кўриб чиқилди.

Яқинда бўлиб ўтган ЎзХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг йиғилиши қарорларидан келиб чиқиб, партиямиз ташкилотлари, депутатлар, бошланғич ташкилотлар олдига турган муҳим вазифаларни белгилаб олди. Бу янада ташаббускор ва фаол бўлишимизда, одамларга фойдаси тегадиган амалий ишлар билан шуғулланишимизда муҳим аҳамият касб этади.

Партия ташкилоти етакчисининг фикри:

Қонун устуворлигини таъминлаш, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли манфаатлари йўлида амалий ташаббусларни кўпайтириш, жойларда электроташаббускорларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал қилиш каби долзарб масалаларда депутатлик назорати институти имкониятларидан унумли фойдаланишимиз, бу масалаларда янада талабчанроқ бўлишимиз зарур.

марали бўлиши ушбу ваколат ва имкониятлардан қандай фойдаланишимизга боғлиқ, албатта.

Яқинда партиямиз гурuhlи аъзолари туманда қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун яратилган шароитларни ўрганиб чиқди. Бунинг учун малакали мутахассислар иштирокида ишчи гурuhlи тузилди. Бешта касб-хунар коллежи ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида мониторинг олиб борилди. Ўрганишлар натижасида мутасадди ташкилотлар масъулияти билан боғлиқ айрим камчиликлар аниқланди.

Бугун туманда 6-18 ёшдаги 24500 нафарга яқин қиз бўлиб, уларнинг 2343 нафари спорт билан мунтазам шуғулланиб келмоқда. Қувадаги қишлоқ ҳўжалиги ва ижтимоий иқтисодиёт касб-хунар коллежида бадий гимнастика, қизлар курашини ривожлантириш учун мураббийлар, баъзи спорт турлари учун жиҳозлар етишмайди.

Таҳлил ва мониторинг натижалари умумлаштирилиб, халқ депутатлари Қува туман Кенгашининг «Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари» доимий комиссияси томонидан кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Нафақат бизнинг туманда, балки бошқа маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз гурuhlари ҳам электроташаббускорларга доир масалаларни чуқур ўрганиб, уларнинг ечимига қаратилган тақлифларни илгари суришмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида партиямиз гурuhlари ташаббуси билан «Аҳолига тиббий ва биринчи тиббий ёрдам хизмати кўрсатишнинг сифати тўғрисида» (Қувасой тумани), «Кексаларни эъзозлаш йили» (Ўзбекистон тумани) каби долзарб масалалар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида қарилди ва тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди. Шу кунларда яна 14 масала юзасидан мониторинг, ўрганиш ишлари олиб борилмоқда. Уларнинг якунига қўра, депутатлик гурuhlари доимий комиссия ва сессияларга масала киритишни режалаштирган.



Азимжон СУЛАЙМОНОВ,
халқ депутатлари
Фарғона вилоят
Кенгашидаги ЎзХДП гурuhlи
аъзоси:

— Депутат сайловчилар манфаатларига қаратилган ташаббусларни илгари суради, уларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қилади. Депутат қайсидир масалада мутасадди ташкилотларга сўров юбориш, ижро ҳокимияти фаолияти устидан назорат ўрнатиш, аниқланган масалани халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессиясида кўриб чиқиш учун тақлиф киритиш ва бошқа қатор ҳуқуқларга эга. Партиямиз гурuhlи аъзолари «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига қўра, депутатлик сўровидан

унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Хусусан, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гурuhlи аъзолари жорий йилнинг ўтган даврида 56 депутатлик сўрови юборган.

Мисол учун, 22-Хазиний сайлов округидан депутат Акрамжон Йўлбарсовнинг депутатлик сўрови асосида «Маҳалла» хайрия жамоати фонд вилоят бошқаруви томонидан Бағдод туманидаги Каримбобо маҳалласида яшовчи иккинчи гурuhl ногирони Аскаралли Аҳмаджоновга мактабга бора олгани сабабли уйда ўқиб ўрганиши учун компьютер жамланмаси берилди.



Эргасали ҚОСИМОВ
Данғара марказий
шифохонасидаги ЎзХДП
бошланғич ташкилоти
етакчиси:

— Сафимизда 230 нафар партия аъзоси бор. Улар дастурий вазифаларимизни амалга оширишда ўз тақлиф ва мулоҳазалари билан фаол қатнашмоқда.

Нафақат бизнинг бошланғич ташкилот, балки вилоятдаги 872 бошланғич партия ташкилоти ва уларнинг етакчилари электроташаббускорларни ҳимоя қи-

лиш, аъзоларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кўчатириш, партия дастурий вазифаларини амалга оширишда фаоллик кўрсатмоқда.

Хусусан, Марғилон шаҳридаги худудий БПТ етакчиси, 25-маҳсус мактабгача таълим муассасаси раҳбари Ёқутхон Жаҳнова партия томонидан ташкил этилаётган сиёсий ўқув машғулот-

лари, давра суҳбатлари, бўлиб ўтган сайловлар жараёнида партия томонидан қўрсатилган депутатликка номзодларни тарғибот-ташвиқот ишларида фаол иштирок этди. Партия «сафларини кенгайтиришда алоҳида ўрин тутиб келаётган мазкур муассасадан бугун 250 дан ортиқ ишчи ходим меҳнат қилмоқда, шулардан 70 нафардан ортиги партиямиз аъзоси. 2014 йил давомида бошланғич ташкилот 20 нафардан ортиқ ёшлар ҳисобига кенгайди.

Кўйи бўйин фаоллари ташаббуси билан маҳаллий Кенгашлардаги доимий комиссияларга партия электроташаббускорлари оид масалалар олиб қилинмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон туманидаги «Қайқубод» худудий партия ташкилоти етакчиси Йўлдошали Хусанов ташаббуси билан доимий комиссияга «Қайқубод» қишлоғи аҳолисини 2015 йилда янги иш ўринлари билан таъминлаш ҳақида», «Дехқон бозори» ва савдо дўконларида пластик картчалар билан савдо қилиш учун терминал тармоғи ўрнатиш ҳақида»ги масалалар қиритилиб, тегишли қарор қабул қилинди. Шундан сўнг мазкур тақлифлар туман Кенгаши сессиясига олиб қилинди.

Бу борада тумандаги Беруний номи бошланғич ташкилот етакчиси Муродил Кимсанов, «Тағоб» БПТ етакчиси Шукрулло Соти-

мов, туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази қошидаги кўйи бўйин етакчиси Умидаҳон Тошматованинг олиб бораётган ишлари ҳам эътиборга лойиқ.

Яқинда Фарғона шаҳридаги 22-«Мустақиллик» маҳалла фуқаролар йиғинидаги худудий БПТ раиси Маҳаммаджон Банноповнинг ташаббуси билан маҳаллада кўча Жамоатчилик қабулхонаси ташкил этилди. Унда 40 нафар маҳалла аҳлидан турли масалаларда мунозабатлар тушди.

Бошланғич ташкилот қанча фаол бўлса, партиянинг аҳоли ўртасидаги таъсири шунча кучаяди.

нафар ёш ўзларини сиёсатчи ўрнида кўриб беллашдилар. Хусусан, «Фарғонаазот» АЖ бошланғич партия ташкилоти ўтказган тадбирда 24 нафар йигит-қиз таълимнинг шаҳар босқичига чиқиш учун курашди. Иштирокчилар биринчи шарт тақдимида ўзлари яшаб турган худуддаги ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳақида ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масалалари бўйича ўз лойиҳаларини тақдим этишди. Билимдон сиёсатчилар таълимнинг иккинчи шarti бўйича Ўзбекистон

Республикаси Конституцияси, сиёсий партиялар, парламент, сайловлар, ёшларга оид қонунлар, Президент асарлари юзасидан ўз билим ва маҳоратларини намойиш этишди. Якуний шарт бўйича иштирокчилар ижтимоий-сиёсий билимларини нотиклик санъати асосида кўрсатиб беришди.

Таълим вилоятимизда билимли ва қобилиятли ёшлар кўпчилигини кўрсатди. Гап аслида гоилиқда ҳам эмасди. Мухими, биз таълим ва маҳоратларини намойиш этишди. Бирлаштиришимиз, уларнинг ўзига ишончини мустаҳкамлашимиз ва юқори марралар сари руҳлантirmoғимиз керак.

Фарғона вилоят партия ташкилоти: факт ва рақамларда

Партия аъзолари: 42007 нафар
Депутатлар: Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 4, халқ депутатлари вилоят Кенгашида 17, туман ва шаҳар Кенгашларида 181 нафар.
Бошланғич партия ташкилотлари: 872 та
«Фаол аёллар» қаноти аъзолари: 27144
«Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари: 14470 нафар
Жамоатчилик қабулхоналари: 2015 йилнинг 6 ойи давомида 161 мунозабат бўлган

Бешариқ тумани Раққон қишлоғида яшовчи партиямиз фахрийси Хабиба-хон Кундузова соғлигини тиклаш учун сиҳатгоҳ йўлланиши олишга амалий ёрдам сўраб мунозабат этгани. Унга Қосонсой сиҳатгоҳига йўлланиш олишда кўмаклашилди. Қўқон шаҳар Бурчилик кўчаси 2-хонадонда яшовчи Жасура Ғофуржонов 2 ёшгача бўлган фарзандига нафақа олиш масаласида мунозабат этди. Масала ижобий ечим топди. Марғилон шаҳар, Учкўприк, Тошқоқ, Ўзбекистон

тон, Бувайда, Риштон туман партия кенгашларидаги Жамоатчилик қабулхоналарида тушаётган мунозабатлар ечимига масъулият билан ёндашилмоқда. Лекин Сўх, Қўштепа, Ёзёвон туманлари ва Қувасой, Қўқон шаҳар партия кенгашлари мунозабатларга эътибор қаратиш, уларда кўтарилган муаммоларни ўз вақтида ҳал қилишда сусткашликка йўл қўймоқда. Мазкур ху-

дудлардаги партия фаоллари ва депутатлар аҳоли, хусусан, электроташаббускорларга кўчир кириб бормагани, уларнинг ишончини қозона олмаётганидан даррак беради. Хар бир партия ташкилоти, партия гурuhlи электроташаббускорлари билан доимий алоқа ўрнатиши, Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти тўғрисида аҳолининг хабардорлигини ошириши даркор.

Махсус саҳифани ўз мухбирларимиз
Мухаммаджон ОБИДОВ, Гулрух ОДАШБЕКОВА
тайёрлади.

Илм-фан, интеллектуал салоҳият тараққиёт мезонига айланган бутунги замонда юртимизда ўзининг ноёб истеъдоди, улкан салоҳияти билан дунё аҳлида ҳавас уйғотаётган, жаҳон илм-фани, ишлаб чиқариш, маданият, санъат ва спорт оламига дадил кириб бораётган, ўз ўрни, мустақил фикри, ўз овозига эга баркамол авлод камолга етмоқда.

**БЕТАКРОРИМСАН, ЯҲОНАСАН,
ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!**

Ўзбекистон ёшларига дунё ҳавас қилмоқда



— Бугунги тараққиётга пой-девор бўлаётган математика, информатика, астрономия каби соҳалар бешигини тебратган Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек сингари улуг аждодларимизнинг эзгу интилишларини давом эттиришдек бахта мустақиллик туфайли эришдик, — дейди Х.Эгамбердиев. — «Тарихи буюк мамлакатнинг келажиги ҳам буюкдир», деган фикр қалбларимизда аксадо бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг ёш авлод камолотида қаратаётган юксак эътибори, университетимизда таълим олиш учун яратилган қулай шароит ва имкониятлар илм-фанга меҳримизни тобламоқда, жаҳонда мамлакатимизнинг шон-шаърини мустаҳкам ҳимоя қилишимизга туртки бўлмоқда.

Дарҳақиқат, Ҳакимбой каби минглаб ёшларимиз халқаро фан олимпиадалари, кўриктанловлар, мусобақа ва фестивалларда ўзларининг ноёб истеъдоди ва салоҳиятини тўла намойён этиб, юксак марраларга эришаётганининг асосий омили уларга берилаётган юксак эътибор ва яратилаётган қулай шароитлардир.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳам мустақиллик йил-

ларида тубдан янгиланди. Ўқув корпуслари, спорт иншоотлари, талабалар турар жойлари ва бошқа зарур бинолар қурилиб, жаҳон стандартларига мос жиҳозланди. Замонавий мультимедия ва компьютер воситалари билан таъминланган кенг, шинам аудиториялар, лингафон ва лаборатория хоналари, уч миллиондан ортиқ китоб фондига эга замонавий ахборот-ресурс маркази, спорт ва бошқа иншоотлар ёшларнинг етук мутахассислар бўлиб улғайиши, илм-фанда юксак марраларни забт этишида муҳим омил бўлмоқда.

— Факультетимизда ўнта кафедра ва бешта ахборот-ресурс маркази самарали фаолият юритмоқда, — дейди **факультет декани Давлатбой Жумабоев**. — Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, алгебра ва функционал анализ, математик анализ, геометрия, дифференциал тенгламалар ва математик физика, назарий ва амалий механика, ахборот хавфсизлиги, информатика ва татбиқий дастурлаш, ҳисоблаш технологиялари ва ахборот тизимлари, дастурлаш ва тармоқ технологиялари кафедраларида **125 дан ортиқ профессор-ўқитувчи, жумладан, тўрт академик, 32 фан доктори ва профессор, 50 дан ортиқ фан номзоди** фаолият кўрсатмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида Муҳаммад Хоразмийнинг ўнлик санок системасини, алгоритм ва алгебра тушунчаларини дунёда биринчи бўлиб жорий этгани умуминсоний тараққиёт ривожини катта аҳамиятга эга бўлганини таъкидлайди: «Бугунги кунда одамзоднинг илм-фан ва замонавий технологиялар борасида эришаётган улкан ютуқларини кўз олдимизга келтирар эканмиз, беихтиёр ана шу буюк бобомиз мисолида бундай юксак марраларга эришишда ўзбек халқининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигидан қалбимиз ифтихорга тўлади».

Оққан дарё оқаверади. Илм-фан, интеллектуал салоҳият тараққиёт мезонига айланган бутунги замонда юртимиз тупроғида ўзининг ноёб истеъдоди, улкан салоҳияти билан дунё аҳлида ҳавас уйғотаётган, жаҳон илм-фани, ишлаб чиқариш, маданият, санъат ва спорт оламига дадил кириб бораётган, ўз ўрни, мустақил фикри, ўз овозига эга баркамол авлод камолга етмоқда. Бунга Ҳакимбой Эгамбердиев ва Беҳзод Қурбонбоевнинг 22-Халқаро олимпиададаги муваффақиятлари ёрқин мисолдир.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА мухбири.

СПОРТ

■ Америка Қўшма Штатларининг Лос-Анжелес шаҳрида интеллектуал имкониятлари чекланган спортчилар ўртасида ўтказилган XIV Махсус Олимпия ўйинлари ниҳоясига етди. Унда дунёнинг 170 давлатидан қатнашган спортчилар голиблик учун баҳс олиб борди.

XIV Махсус Олимпия ўйинларидан

**ҳамюртларимиз 37 медаль
билан қайтишди**

Ушбу нуфузли мусобақада Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган 20 нафар спортчимиз жами 37 медални қўлга киритди. 10 олтин, 14 кумуш ва 13 бронза медалга эга бўлган спортчиларимиз энг муваффақиятли иштирок этган жамоалардан бири сифатида эътироф этилди.

Алина Нуштаева — 100 метр масофага сузиш бўйича олтин, 4х25 метр масофага ўтказилган эстафетада эса кумуш медалга сазовор бўлди.

Николай Каримов — 50 метр-га эркин усулда сузишда олтин, 4х25 метр масофага бўлган

эстафетада эса кумуш медални қўлга киритди.

Дониёр Тоҳиметов — 50 метр масофага брасс усулида, Ангелина Гаврина — 25 метрга чалқанча сузишда бронза медали билан тақдирланди.

Бадминтон бўйича Насиба Минозарова — шахсий мусобақаларда олтин, Абдуазиз Абдусаломов эса кумуш медални қўлга киритди.

Спорт гимнастикаси баҳсида Азиз Собиров — 3 олтин ва 1 кумуш медаль, Жасур Очилов — 2 кумуш ва 3 бронза медал соҳиби бўлди. Спорт гимнасти-



касининг қиз болалар баҳсида эса Маша Логинова — 2 кумуш ва 2 бронза медал соҳиби, Дилноза Йўлдошева — 1 кумуш медал соҳибдори бўлди.

Гимнастика йўналишининг 1-даражасида Моҳинабону Тўлаганова гимнастика предметлари ёрдамида машқ бажариш бўйича — 2 кумуш ва 1 бронза медал, 4-даражада Альбина Хабибулина эса 1 олтин, 2 кумуш ва 1 бронза медални, шунингдек, Кристина Расхупкина ҳам учинчи натижа-ни кўрсатди.

Енгил атлетика турнирида Александр Обидов — 100 метр

масофага югуришда олтин, 200 метрга югуриш, 4х100 метрга эстафета мусобақаларида бронза медалларига эга бўлди. Дарья Жукова — 100 метр масофага югуриш бўйича олтин, 200 метрга югуришда эса кумуш медалга сазовор бўлди. Руфина Шагарданова — узунликка сакраш мусобақасида олтин медални қўлга киритди.

Стул тенниси бўйича шахсий мусобақаларда Равшан Якубов, Юлдуз Абдусодиқова бронза медали билан мукофотланди.

Шоҳбоз САИДОВ
тайёрлади.

ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА

Кексаларга эҳтиром

Энг улуг ва энг азиз байрам — Мустақил-лигимизнинг 24 йиллик қутлуг шодиёнаси муносабати билан Шўрчи туманида уюштирилган тадбирда «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида бир гуруҳ нуронийлардан ҳол-аҳвол сўралиб, уларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Улардан 12 нафари меҳнат фахрийси, 10 нафари ногирон, 100 ёшдан ошган 8 нафар

отахону онахонлар бор.

— Ҳаётда кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлдим, — дейди «Катта Соғур» маҳалласида яшовчи 103 ёшли Анор момо Маматмуродова. — Болалигимиз оғир ва машаққатли меҳнат билан ўтди, қимматчилик ва қаҳатчиликни кўрдик. Бу доруломон кунларга эришиш учун кўп қийинчиликларни бошимиздан ўтказдик. Шундай яхши замонларга етказганига шукр.

— Айни кунларда ҳудудимизда 12 минг 500 нафардан ортиқ кекса умргузаронлик қилмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Шўрчи туман бўлими раҳбари, ЎзХДП аъзоси Шерали Сафаров. — Кекса авлод вакиллари кўлаб-қувватлаш доим эътиборимизда. Бу йил Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан икки нафарининг уй-жойини таъмирлаш учун 6 миллион 360 минг сўм маблағ ажратилган бўлса, 27 нафар нуроний мамлакатимизнинг тарихий обидаларини зиёрат қилиб қайтди. Бундай эзгу ва савоб ишларни яна давом эттириш ниятидамиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА



Moody's Investors Service

халқаро рейтинг агентлиги

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи
иқтисодий фаолият миллий банкининг**

рейтингларини

ТАСДИҚЛАДИ

Прогноз:

«Барқарор»

**Ватанимиз равнақи йўлида
Сиз билан бирга!**

Хизматлар лицензияланган.

ООО «KRANTAS»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

	
АВТОЦИСТЕРНЫ-БЕНЗОВОЗЫ (МАСЛОВОЗ, НЕФТЕВОЗ) НА ШАССИ «ISUZU» ИЛИ «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 8м³, 10м³, 12м³ и 16м³	АВТОЦИСТЕРНА ДЛЯ ПЕРЕВОЗКИ ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ НА ШАССИ «ISUZU», «MAN» 4м³, 8м³, 10м³, 12м³
	
КОМБИНИРОВАННАЯ ПОЛИВОМОЕЧНАЯ МАШИНА НА ШАССИ «ISUZU» ИЛИ «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 8м³ и 12м³	ВАХТОВЫЙ АВТОБУС НА ШАССИ «КАМАЗ» ИЛИ «MAN» (4х4) ИЛИ (6х6) 18-24 ЧЕЛОВЕК.
	
АВТОГУДРОНАТОР НА ШАССИ «MAN» ИЛИ «ISUZU» 6м³, 8м³, 12м³	АВТОЦИСТЕРНА-КИСЛОТОВОЗ НА ШАССИ «ISUZU» ИЛИ «MAN» 6м³ ИЛИ 10м³

Телефон: (0-371) 262-97-78, факс: (0-371) 262-23-61, (+99890) 187-52-05.
(+99890) 315-99-17. www.krantas.uz, email: krantas@inbox.ru. ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

MUASSIS:

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

ТАХРИР НАҲА'АТИ:

Abdulla OROPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 859
10987
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21.35
Topshirilgan vaqti — 23.30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



1 2 3 5 6